

болалар боғи қурилиши бошланди
Шу йилнинг март ойида Наманганга ташриф бурган Юртбошимиз «Ёшлар спорт мажмуаси» қурилишида бўлганларида бундан қаноат ҳосил қилиб, «Диснейленд» болалар боғини бунёд этишни маслаҳат берган эдилар.

Ж.ОБИДОВ

ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 27 декабр, шанба № 205-206 (1631)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон мустақиллик йилларида

КОНСТИТУЦИЯ ВА ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚ

Ўзбекистон Конституциясида фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқлари билан бирга уларнинг ижтимоий ҳуқуқлари ҳам белгилаб берилган.

дини олиш вазифаси, бозор муносабатларига ўтишнинг муҳим механизмини яратиб истиқлолнинг илк кунларидаёқ бош мезонга айланди.

Айни пайтда, «пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларнинг миқдори расман белгилаб қўйилган»

Конституцияда фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқлари — малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, билим олиш ҳуқуқлари, «бепул умий таълим олиш давлат томонидан кафолатланган»


Ўзбекистон хар бир фуқаросининг миллатидан қатъи назар, илмий ва техникавий иход эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи конституциявий кафолатланган.

Маълум бўлаётгани, Асосий Қонунда, гарчи давлатнинг ижтимоий мақоми конституциявий расман қайд этилмаган бўлса-да, у мамлакат конституциявий асосларини таъминловчи бош омиллардан бирига айланди.

Бозор иқтисодиётининг реалликларидан келиб чиққан ҳолда, аҳолининг ижтимоий ҳимояси кафолатли берилган Конституция талаби ўлароқ, Ўзбекистон ижтимоий адолат тамойилига қатъий риоя этиб, аҳолининг кам таъминланган қатлами ижтимоий жиҳатдан тўлиқ ҳимоя қилиш учун маблағни аямда. Ижтимоий муҳофаза қилишнинг давлат дастури ишлаб чиқилди.

Айни пайтда, ижтимоий жаҳоннинг турли соҳалари, жумладан, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, таълим йўналишлари бўйича ҳам иқтисодлашган давлат дастури ишлаб чиқилди.

(Давоми 2-бетда)



ҲАМЮРТИМИЗ - ГОЛИБ!

Юртимизда спортни ривожлантиришга қаратилган эътибор туфайли хар йили кўлаб иқтидорли спортчилар кашф этилмоқда.

онал спортчилар қаторига мухлису мутахассислар томонидан анча истеъдодли теннисчи деб эътироф этилаётган Важа Узоқов ҳам қўшилди.

чи АҚШ теннис уюшмаси - USTA International Winter турнирида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Теннис

чилар ўртасида ташкил этилган ушбу нуфузли турнирда В.Узоқов яққил бахсларида чорак финалгача етиб келди. Унинг жуфтлик бахсларидаги иштироки бундан омадли бўлди.

Йиллар ва одамлар ШУКУҲ

Хар куни галла майсалари яншаган серфаиз далаларни айланарканман, қалбимда бир илиқлик туяман.

Биринчилар қаторида фермерлар сафига қўшилганимизда шароит анча мураккаб эди. Ер ҳосилдорлигини ошириш, қўшимча техникага эга бўлиш, одамларда янгича шароитда фаолият юритишга қўнимка ҳосил қилиш учун астойдил ҳаракат қилдик.

Янги йилни муносиб меҳнат ютуқлари билан қаршилаямиз. Ялли даромад 33 миллион 500 минг сўми ташкил этди.

В.МУРОДОВ, Янгийўл туманидаги «Урқ» фермер хўжалиги раиси

КИЧКИНТОЙЛАРНИНГ ҚУВНОҚ БАЙРАМИ

Мамлакатимизда хар янги йил арафасида арча байрами ўтказиш, кичкинтойларимиз, айниқса, «Меҳрибонлик уйлари» тарбияланувчиларига Президент совғаларини улашиш яхши анъанага айланган.



Шу йилнинг 29 декабр куни Тошкентдаги «Туркистон» саройида бошланган тантаналар ўз моҳиятига кўра, саховат, меҳр-мурувват ифодаси бўлади.

Сарой залида болакайлари янада антика совға кутмоқда. «Мен! Сен! Би! Дунё кезамиз!» мавзусидаги театрлашган байрам томошасида болалар сайёримизнинг турли қўйлиқларига сўхат қилади, янгидан-янги эртак қахрамонлари билан дўстлашади.

ОҚСОҚОЛ ҚАЙТА САЙЛАНДИ

Бухоро вилояти «Ширбудин» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси қайта сайланди.

Атхам Исаев ўз фаолиятини аҳолининг ижтимоий ҳимояланмаган қатламини кўлаб-қувватлашга қаратди.

«Жорий йилда ушбу йўналишда катта ишлар амалга оширилди», деди А.Исаев «Ширбудин-пресс» мухбирига.

Қарор ва ижро ТАДБИРКОРЛИККА - КЕНГ ЙЎЛ

Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Мақамасининг шу йил 20 августда қабул қилган «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиблари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан жойларда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Хозир далада шудгорлаш ишлари қизгин давом этмоқда. Қизирқ туманидаги «Кунчиқ» ширкатлар уюшмаси бу борада барчага ўрнак бўляпти.

Суратда: фермер К.Холмуродов ва ишчи А.Қораев.

И.ХУҲАЕВ (ЎЗА) олган сурат

Мазкур қарорда белги-ланган вазифаларни бажариш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурида Рўйхатдан ўтказувчи органларга кўмаклашувчи маркази ишламоқда.

Марказимиз пойтахт туманлари ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари фаолиятини ташкил этишда яқиндан кўмаклашмоқда.

Инспекцияларда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг билим ва маҳоратини ошириш борасида мутахассислар билан ҳамкорликда ўқув-семинарлар ташкил этилди.



«БЕГОЙИМ»НИНГ ОШ ТУЗИ
Хўжайли туманидаги «Сардорбек» хусусий агрофирмасига қарашли «Бегойим» кичик корхонасида ишлаб чиқарилаётган йодланган ош тузига талаб кундан-кунга ортмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг амнистия тўғрисидаги Фармониغا асосан жойларда жазо муддатини ўтаётган кўлаб жазоланганларимиз ўз оиласи, қадрдонлари бағрига қайтди.

Қашқадарё вилояти муқаддам судланганларни ижтимоий ҳимоялаш кўнимка маркази ана шундай хайрли ишларнинг бошида турибди.

Кўнимка маркази 1995 йилдан буён фаолият юритмоқда.

Бир Фармон шарофати

КўНИКМА МАРКАЗИ ва унинг хайрли ишлари

Ўтган давр мобайнида марказ бир қатор хайрли ишларни амалга оширди. Айниқса, жазони ўташ чоғида қаровчисиз қолганларга озодликка чиққанидан сўнг бошпана топишга, кексароқ бўлса, қариялар уйига жойлаштиришга ҳаракат қилинмоқда.

бўлими бошлиғи Шоймардон Бободўстов. - Биз унга ижарага ер олиб бердик. Ҳалол меҳнат унинг яна олға қўшилишида муҳим омил бўлди.

Ислоҳот йўлидаги ғов

Жиззах вилоятида фаолият юритаётган тадбиркорлар имкониятлардан унумли фойдаланиб, 2004 йилни қувонқли натижалар билан қутиб олишмоқда.

кўшиллар кўра-била туриб, ўзларини кўрмаганга олишган. Сохта тадбиркор катта миқдорда жарима тўлади.

Шундай кишилар борки ўзларини ҳаддан ташқари ишбилармон деб билишади.

ЧЕККА ҚИШЛОҚДАГИ ЯШИРИН КОРХОНА

жиззах шаҳар «Иттифок» маҳалласидаги Х.Ашурқулов ҳам тап тормай ўз уйда ном тайёрлаш чеҳи очиб олибди.

тиш бўлими бошлиғи Фарход Бобоназаров. - Аҳоли ўртасида тарғиб-ташвиқот ишлари олиб борилаётган бўлишига қарамай, айрим кимсалар эгри ишларга тап тормай қўл уришмоқда.

Бу ёруғ жаҳонда ҳалол меҳнат қилиб, азиз умрни фақат яшиликка, эзгуликка бахшид этганга нима етсин. Фирром ишларнинг эса охири вой. Афсуски бунини баъзи сохта тадбиркорлар кеч тушунишмоқда.



Зардуштийлик динида олинган қарз мажбуриятини бажармаслик шунчаки иқтисодий жаъзага лойиқ иш эмас, балки шартномани бузганлик жуда ҳам катта гуноҳ ҳисобланган, бундай одам Ахура Мазда назаридан қолган. Айни чоғда бундай илоҳий мажбурият қарз олган томонга куч-қувват ҳам берган, шартномани бузмасликка ундаган, мажбур этган.

Яратувчилик - энг эзгу амал. «Авесто» муаллифи Зардушт руҳонийларга, илм-маърифатли кишиларга кўрсатма берадики, одамларга моддий неъматлар яратиш асосларини (муқаддас ишларни) ўргатсинлар, зеро моддий олам ва бутун жонли мавжудот емак-ичмак билан тирикдир. Китобдан ўқиймиз: «Хеч ким хўраксиз (емак-ичмак) билан ҳаётини давомлатмас.

# 2. ТЎҚ ВА ФАРОВОН ЯШАШ ВОСИТАСИ

Шартнома - қасам маълум қардорлик муносабатини билдириб, омонат юзасидан олинган мажбуриятни ифодалайдиган, омонатга хиёнат қилиш, қайтарилишини ўйлашмаслик, уни ўзиники қилиб ўзлаштириб олиш «ўғирланган билан баробардир» дейилади, яъни бевордлик қилиш ўғирлик билан бир даражага қўйилади. Ўғирлик қилиш эса Зардуштийликда катта жиноят, гуноҳ ҳисобланган.

«Авесто» китобини умуминсоният қадриятлари ҳақидаги қасдида дейиш мумкин. Унда одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат, биродарлик, дўстлик, ўзаро ёрдам ва мадад бериш гоъялари, билим олиш, ўтмиш донишмандлар, алломалар билимларини эгаллаш каби қомил инсон бўлишга ҳос умумбашарий қоидалар, уларга асосланган яшаш лозимлиги ўқитирилади. Масалан, асарнинг 4 фарғари, иккинчи қисмида ёзилган, одамлар ҳеч қачон бир-бирларидан ҳеч нарса ни дариг тутмасликлари, қизганмасликлари лозим. Хусусан, дин илминини, умуман илм олишини, касб-ҳунар эгаллашни биродарига беиминат ўргатиши зарур, деган кўрсатма берилган.

Бирок, одамлар ўз илоҳий ва дунёвий вазифаларини бажаришлари учун табиат неъматларидан, ўзлари ишлаб чиқарган нарсалардан истемол қилишлари, дам олишлари, роҳатланмоқлари ҳам зарур. Зеро, дам олиш, роҳатланиш, маънавий озқ олиш тирикчилик билан, иқтисодий фаолият билан шуғулланиш учун куч-қувват беради. Буларнинг қамирида «шиддат билан билим олиш» ётади. (Уша асар, 121-бет).

нидан буюк илоҳий сиймолардан бири бўлган Жамга юклатилади. «Эй Жам, - деб хитоб қилинади, - ҳар бирининг тўрт томони асприйс (узунлик ўлچови) узунлигида бўлган вар (одамлар ва ҳайвонларни совуқдан сақлагувчи) бўлган. Айтмакчи, одамлар ва ҳайвонларга фақат «ёқимли ва хушбўй таомлар» берилиши даркор. Ахура Мазда Жамга кўрсатма бериб «зинҳор у ерга (варларга) букри-етиб келмаслигига қафолат деярли йўқ.

«Авесто» - бу мангу китоб

Демак, «Авесто»да билим олиш, дунёвий ва илоҳий билимларини эгаллаш инсон фаолиятининг барча жиҳатлари учун гоъят муҳим эканлиги ўқитирилади. Ҳақиқатан ҳам билим олиш, билимни бўлишнинг ҳосияти жуда каттадир. Илм олишнинг, билимни бўлишнинг ҳосияти ҳақида бизнинг Шарқ ривоятларида ҳам аjoyиб фикрлар мавжуд. Қадимда Ануширвон деган бир подшоҳ ўтган бўлиб, у ўзининг гоъят билимдон, зуқко, донишманд вазирга суяниб иш юритган ва адашмаган. У бир кун иш вазирга «яъши одамни қандай билса бўлади?» деган саволни беради. Шунда, зуқко вазир яъши одамнинг ўч фазилати бўлади: биринчиси, у илм олишга, билимни бўлишга интилади, олимлар, ўқимини одамлар даврасида бўлишга интилади; иккинчиси, у ўз ишларини илмга асосланган ҳолда қилади; учинчиси, унинг юзи чироили, ёқимли бўлади, ундан нур ёғилиб туради, деб жавоб берган экан.

«...У ерда ҳамиша ям-яшил ва хуррам, ҳамиша егулик кут - баракали йилловлар яратгин. ...У ерда кенг ва баланд уйлар қур». (11-бет)

Келтирилган сатрлардан билиш мумкинки, «Авесто» инсоният ҳаётининг абадий эканлиги, бирок бу абадий ҳаёт доимо хавфсиз бўлавермаслиги, унга таъжовиз қилиб турувчи ҳар хил ёвуз қуллар ҳам бўлиши, уларга қарши мустаҳкам замин - неъматлар яратиш, улар, иншоотлар қуриш, чорва ҳайвонларини асраш ва шу билан ҳаётнинг давомийлигини сақлаб қолиш мумкинлиги тушунирилади.

Қурилган варларга (иншоотларга) «Хушбўй ўсимликларнинг уруғларини олиб бориш, ер юзидagi энг емишли, энг ёқимли ва хушбўй таомларнинг уруғларини олиб бориш», ҳайвонлар ва одамларнинг йўқ бўлиб кетмаслиги учун «уларни жуфт-жуфт қилиш» лозимлиги ҳам ўқитирилади. Қизиги шундаки, инсоният, ҳайвонот ва табиат оламнинг соғлом ва мусофолоғи ҳаётнинг

лар, пуштэнлар, ғўллар, дуясана, дайвак, касвиш, визбориш, сўйлоқ тишли, пёс, умуман Ахраман ўз домини қолдирган бирор кимсанни қирита кўрса» дейди. (Уша жойда, 111-бет)

Бизнингча, бундан шундай ҳулоса қилишимиз мумкин: инсоният ҳаёти ўз-ўзича, стихияли тарзда кечмаслиги даркор, унга аралашмоқ, яъни ҳаётнинг мусофолоғи учун курашмоқ, жамиятнинг барқарор ривожланиб бормоғи учун одамлар онгли равишда ўз билимлари, кучлари, тажрибаларини сафарбар қилишлари керак. Бунинг учун илм-фан ютуқларини ижтимоий-иқтисодий турмуш мусофолоғи ва раванки йўлида татбиқ этиш лозим.

«Авесто»нинг инсоният ҳаётини мусофолоштириш борасидаги гоъялари нақадар ҳаётбахш эканлигини бугунги цивилизациялашган дунё англаб етмоқда. Ҳаётни сақлаб қолиш учун одамларга мусофоло тоза табиий муҳит билан бирга экологик соф маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва истемол қилиш зарурати бутун дунё миқёсида муаммо сифатида кун тартибига қўйилаётгани бежиз эмас. Зеро, инсоният ҳаётининг давомийлигига эришиш учун экологик соф маҳсулот ишлаб чиқаришни ер қуррасининг барча мамлакатларида амалда йўлга қўйиш лозим. Чунки бугунги дунёда халқроқ иқтисодий ва бошқа муносабатлар шу қадар ривожланиб, мамлакатлар иқтисодиёти интеграциялашиб бормоқдаки, дунёнинг бирор бир мамлакатидagi ҳаётни захарловчи неъматлар бошқаларга

«Авесто»нинг «илмни шиддат билан ўрганиш» ҳақидаги гоъяси кейинчалик кенг тарғиб қилинди. Бизнинг Мовароуннаҳрда, Марказий Осиёда илм-фаннинг ривожига улкан ҳисса қўшган, жаҳон фани бешигини тебратган улуғ олимлар Форобий, Ибн Сино, Беруний, Улуғбек, Навоийдек фан даргалари, ал-Бухорий, ат-Термизий, Мо-турудий, Марғиноний, Нақшбанд, Замахарий каби илмий олимлар етишиб чиққанлиги бежиз бўлмаसा керак.

«Авесто»да илим олишга даъват қилишнинг маъноси шунки, илм-маърифатли кишининг меҳнат унуми юқори бўлади, жамиятда фаровонлик бўлишига энг кўп ҳисса қўшади.

Кодиржон ЙЎЛДОШЕВ, иқтисод фанлари доктори, профессор, Қиёмиддин МУФТАЙДИНОВ, иқтисод фанлари номзоди, доцент

## Саволингизга Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касабга уюшма Марказий қўмитаси Бош ҳуқуқшуноси

### Карим Мухторов жавоб беради

**САВОЛ:** Қонунчиликда барча ишга кирувчилар ва ишлаётган ходимлар иш давомида тиббий кўриқдан ўтмиш белгилангани? Тиббий кўриқдан ўтишдаги ҳаражатлар ходим томонидан қопланиши керакми?

**ЖАВОБ:** Қонунчиликда барча ишга кирувчилар ва барча ишлаётган ходимлар вақти-вақти билан иш давомида тиббий кўриқдан ўтмиш мажбурий қилиб кўрсатилмаган.

Меҳнат Кодексига тиббий кўриқдан ўтишга доир алоҳида 214-модда қилиб кўрсатилган. Унда иш беришчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки ва иш давомида вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтказилиши зарур бўлган ходимлар кўрсатиб ўтилган. Булар куйидагилар:

- ўн сақкис ёшга тўлмаганлар;
  - олтмиш ёшга тўлган эркаклар, эллик беш ёшга тўлган аёллар;
  - ногиронлар;
  - меҳнат шариоти ноқулай ишларда, тунги ишларда, шунингдек, транспорт ҳаракати билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар;
  - умумтаълим мактаблари, мактабга тарбия ва таълим бериш билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимлар.
- Меҳнат шариоти ноқулай ишлар ва бажарилаётганда дастлабки тарзда ва иш давомида вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтиши зарур бўлган бошқа ишларнинг рўйхати ва уларни ўтказиш тартиби Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 6 июнидаги 300-сон буйруғи билан тасдиқланган.
- Тиббий кўриқдан ўтказишдан қўзланган асосий мақсад ходимларнинг меҳнатидан уларнинг соғлиғи тўғри қўйилишига ишларда келмаганига йўл қўймаслиқдир.
- Агар ходим ўз соғлиғининг ҳолати меҳнат шариоти билан боғлиқ ҳолда ёмонлашган деб ҳисобласа, у навбатдан ташқари тиббий кўриқдан ўтказишни иш беришчидан талаб қилишга ҳақлидир.
- Тиббий кўриқлардан ўтишда ходимлардан ҳеч қандай пул олинмайди. Қонунга биноан ходим тиббий кўриқдан ўтишда қандай турдаги поликлиника хизматидан фойдаланишидан қатъий назар чикимдор бўлиши мумкин эмас.
- Шундай экан ходимлар тиббий кўриқдан ўтишда ҳақ тўлайдиган бўлса, бу ноқонуний ҳисобланади.
- Меҳнат Кодексининг 9-моддасига асосан муассасаларнинг касабга уюшма қўмиталари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 6 июнидаги 300-сон буйруғи билан тасдиқланган Рўйхат бўйича ходимларни тиббий кўриқдан ўтказишда Меҳнат Кодексининг 214-моддаси талаблари тўлиқ бажарилишини доимо назорат қилиб боришлари, агар бу модданинг талаблари бузилган тақдирда, бундай қонунбузарчиликка чек қўйиш мақсадида прокуратура органлари ва мурожаат қилишлари зарур.

Саволингизга ҳуқуқшунос Гулнора Муродова жавоб беради



### Саволингизга ҳуқуқшунос Гулнора Муродова жавоб беради

**САВОЛ:** Мен III гуруҳ ногирониман. Мактабда дарс бераман. Умумий меҳнат стажим 10 йилни ташкил этади. Лекин менга 2 минг сўм атрофида пенсия тайинланган. III гуруҳ ногиронларига пенсия қандай тартибда тайинланади ва қай тарзда тўланади?

**Б. ПУЛТОВ, Хива тумани**

**ЖАВОБ:** «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасида пенсия олиш ҳуқуқини берадиган иш стажы белгиланган. Стажининг узлуksизлиги ёшга қараб фарқланади, демак, фуқаро қанча ёш бўлса, иш стажы шунча кам талаб қилинади. Лекин сиз ҳаётинида ёшингиз тўғрисида маълумот бермагансиз.

Иш жараёнида майиб бўлиб қолганда ёки касб касаллигига чалинганда бериладиган ногиронлик пенсиялари иш стажидан қатъий назар тайинланади.

Умумий касаллик туфайли бериладиган ногиронлик пенсиялари ногиронлик бошланган пайтга қадар иш стажига эга бўлган тақдирда қуйидагича тайинланади:

Ёши	Иш стажы (йил ҳисобида)
23 ёшгача	2
23дан 26 ёшгача	3
26дан 31 ёшгача	5
31дан 36 ёшгача	7
36дан 41 ёшгача	9
41дан 46 ёшгача	11
46дан 51 ёшгача	14
51дан 56 ёшгача	17
56 ёш ва ундан ошганда	20

Пенсиянинг миқдори эса юқорида кўрсатилиб ўтилган иш стажининг мuddатида боғлиқ бўлиб, у пенсиянинг таянч миқдоридан, иш стажы учун пенсиянинг оширилиши ҳақида пенсияга қўйиладиган устама ҳақлардан иборат бўлади.

Пенсиянинг таянч миқдори III гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиясиз пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинмаган ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг қамида 50 фоизи миқдорида белгиланади.

Пенсиянинг иш стажы учун III гуруҳ ногиронларига тўлиқ пенсия тайинлашда талаб этиладиганидан орტიқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йилига пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинмаган ўртача ойлик иш ҳақининг 0,5 фоизи миқдорида оширилади.

Қонунда умумий касаллик туфайли III гуруҳ ногиронларининг пенсияларига устама ҳақлар берилиши назарда тутилмаган.

Ишлаб турган III гуруҳ ногиронларига пенсия иш жойидан тайинланган пенсиянинг 50 фоизи миқдорида тўланади.

### Шарҳловчи минбари

Хузистон вилоятида ҳақ кузатишди. Хозирча бу ерларда қурбон бўлганлар ҳақида маълумот йўқ.

Эрон севимки фаол минтақада жойлашган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Шу боис ер силкиниши тез-тез содир бўлиб туради. Маълумотларга кўра, ўтган 13 йил ичида Эронда мингга яқин зилзила қайд этилган. Улар ичида энг йиритки 1990 йил содир бўлган эди. Ушунда Рудбар шаҳри бутунлай вайрон бўлиб, 50 мингга яқин одам қурбон бўлганди.

Бу галги табиий офат ҳам мамлакат учун миллий фожвага айланди.

(ЎЗА)

**Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси» қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармонни давлатимизда демократия ва умуминсоний тамойиллар устуворлигининг яна бир яққол намойиши, бағрикенглик ва адолатнинг юксак ифодаси бўлди.**

### ОЗОДЛИК - ТОТЛИ НЕЪМАТ

Фармонда аёлларнинг жазодан озод этилишига алоҳида эътибор берилган. Зеро, аёл - ҳонадон чироғи. Билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган ва оқибатда озодликдан маҳрум этилган аёлларнинг кўпчилиги жазони ўташ жараёнида ўз ҳатосини англайди. Боиси унинг учун оила ва фарзанддан айри яшайдан кўра оғир қайғу йўқ.

Тошкент шаҳрида жойлашган аёллар колониясида тегишли органлар томонидан мажмур Фармон ижроси бекаму кўст бажарилишига алоҳида аҳамият берилаяпти.

Дунёда озодликдан тотлироқ неъмат йўқ экан, дейди озодликка чиқиб арафасида турган тошкентлик Юлдуз Толипова. - Ойланг бағрида болаларнинг билан хотиржам яшашга нима етсин. Аслида ҳаётнинг мазмунини ҳам, улкан бахту саодат ҳам шунда. Шу йилнинг сентябр ойида жиноят содир этиб, 7,5 йилга озодликдан маҳрум этилгандим. Юртбошимизнинг гамжўрликлари боис қисқа муддатда мен яна озод ҳаётга қайтадиган бўлдим. Бу ердан чиққан, ҳалол меҳнат қилиб, жамиятимизга фойда келтириб яшаш ниятидаман.

(ЎЗА)

### ЧУСТИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ ЮЗ ЙИЛЛИГИГА

Келгуси йилнинг ёзида Наманган вилоятида ўтган асрнинг таниқли шоири ва жамоат арбоби Чустийнинг (Набихон Хўжаев) юз йиллиги кенг нишонланади.

Шоир ва маърифатпарвар, машҳур газаллар муаллифи, адабий таржима устаси Чустий 1904 йилда Наманган вилоятининг Чуст шаҳрида туғилган. Асосий юбилей таъналари ҳам айнан мана шу шаҳарда бўлиб ўтади. Чустийнинг ижодини, унинг ватанпарварлик, шон-шараф, ҳаққўйлик, Ватанга содиқлик, озодлиқ ва фаровонлик йўлида фидокорлик каби қадриятларни тараннум этган шеърлари ва газалларини ўрганишга алоҳида эътибор берилади.



### Наманган вилоятидаги мактабларда республикамизда ўтказилаётган Ёнгин хавфсизлиги ойлиги доирасида «Ёнгин хавфсизлиги болалар нигоҳида» мавзусида анъанавий болалар суратлари танлови бўлиб ўтди.

Ёнгинларнинг аксарияти ҳонадонларда содир бўлмоқда ва уларнинг 11 фоиздан кўпроғига болаларнинг шўхлиги сабаб бўлмоқда, - дейди вилоят ёнгин хавфсизлиги бошқармасининг катта муҳандиси Рустам Абдуллаев. - Ходимларимиз бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида мактаб ўқувчилари ўртасида ёнгинларнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари тўғрисида ўрашувлар, суҳбатлар, викториналар ва бошқа тарғибот тадбирларини мунтазам ўтказиб келмоқда.



### ТАНЛОВ ЯКУНЛАРИ

Ўзбекистон банклари ассоциациясида Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган «Йилнинг энг яхши ўқувчиси» республика кўриқ танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Мажмур танлов Вазирлар Мақомадини 1995 йил 9 ноябрдаги «Ўзбекистон банк тизими»ни ривожлантиришнинг комплекс дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ҳар йилида бир марта ўтказиб келинмоқда.

Мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларининг 39 тақсида ташкил этилган иқтисослаштирилган банк синфларида 2501 ўқувчи тахсил олмақда. Танлов ана шу мақсус синфларда дарс бераётган педагоглар ўртасида ўтказилди. Унда Навоий шаҳридаги 11-мактаб ўқувчиси Мўлатбар Пулатова 1-ўринга лойиқ топилди. Иккинчи ўринни ўрашлар эса Тошкент шаҳридаги 249-мактаб ўқувчиси Муборак Қурбонова ҳамда Қўшқўш шаҳридаги 23-мактаб ўқувчиси Илҳоржон Ҳозилиевага насиб этди.

Суратларда: бошқа ҳаётининг давомида танловнинг якуний суратлари

### ОЛОВ — ЁВ

Танловда вилоят мактабларининг ўнлаб бошланғич синф ўқувчилари иштирок этди. Болалар ўз расмларида ёнгин хавфсизлигининг асосий меъёллари, ўт чиқши манбалари ва уни ўчириш услубларини акс эттирган. Танловда янгиқўрғонлик И.Асомидинов биринчи ўринни эгаллади. Фолибарга фахрий ёрликлар, муқофотлар ва янги йил совғалари топширилди.

### ОҒУ ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

Мамлакатимизга қонунга хилоф равишда олиб қирилган гиёҳвандлик моддаларининг навбатдаги туркуми йўқ қилинди. Ҳуқуқ-тартибот органлари, жумладан, Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари уни гиёҳвандлик моддаларининг гайриқонуний айланishiга қарши кураш тадбирлари давомида мусодара қилган эди.

Сир эмас, бугунги кунда хавфсизликка таҳдид солиш борасида терроризм билан ёнма-ён турувчи гиёҳвандликка қарши кураш ҳамон инсоният олдидаги энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Наркобизнесга қатъий чек қўйиш тарафлари бўлган Ўзбекистон бу борада жаҳон ҳамжамияти олдидаги мажбуриятларини бажаришга улкан аҳамият бера бориб, барча зарур чораларни кўрмоқда. Мамлакатимизда БМТнинг 1961, 1971 ва 1988 йилларда эълон қилинган Конвенцияларига ҳамоҳанг равишда «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Юртимизнинг бу муҳим ишга қўшаётган салмоқли ҳиссаси халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилмоқда.

Сўнгги йилларда ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан гиёҳвандлик моддаларининг гайриқонуний айланishiга қарши кураш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида «оқ ажал» билан боғлиқ 4 минг 574 жиноят фож этилди. Унинг 43

физини гиёҳвандлик моддаларининг гайриқонуний савдоси билан боғлиқ жиноятлар ташкил этувчи бу жараёнда 447,5 килограмм наркотик модда далилий ашё сифатида мусодара қилинди. Утган давр мобайнида наркотик моддалар контрабандаси билан шуғулланувчи қатор минтақавий нарқоурухларнинг жинсий фаолиятга чек қўйилди.

Айтиш жоизки, 1994 йилдан буён мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан ушлаб қолинган 36 тоннага яқин гиёҳвандлик моддаси ёқиб юборилди. Бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг давоми сифатида 26 декабр куни Илоралар рудо комиссия аъзолари томонидан 217 килограмм гиёҳвандлик ва психотроп модда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари гувоҳлигида ёқиб юборилди.

(ЎЗА)

### Эрондаги даҳшатли зилзила

Эроннинг аксарияти харобалар остида қолиб кетгани бис қурбонлар кўп. Шаҳардаги иккита йирик кўприкнинг бузилиши, электр таъминоти ва телефон алоқасининг ишдан чиқishi қўқарув ишларини мураккаб-лаштирмоқда. Ўйларнинг издан чиқishi оқибатида «тез ёр» машини-ларининг ҳаракатланиши қийинлашди.

Бошпанасиз қолган аҳоли қўшни вилоятларга қўчирилди.





# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҚАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИ

*Ўзининг фидойи меҳнати  
билан жондан азиз  
Ватанимизни улуғлаётган  
инсонлар асло кам бўлмасин!  
Янги йил бахт-саодат, олам-  
олам қувонч олиб келсин!*

*Янги 2004  
йилмигиз  
билан!*



**АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ  
«ПАХТА БАНК» КЕНГАШИ ВА БОШҚАРУВИ**

**Барча акциядорлару  
мижозларни яқинлашиб  
келаётган 2004 йил билан  
қизгин қутлайди**

**ЭЗГУ МАҚСАД ЙЎЛИДАГИ БАРЧА  
САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИНГИЗ  
БАРОРИДАН КЕЛСИН!**



**«Пахта Банк» – фаровонлигиниз қалитидир!**

Санъат

Фаргона водийсида Норинкапа кишлоғини билмайди-ган одам кам. Қорадарё ва Норин оралиғидаги бу қадимий кишлоқ кичкина шаҳарчани эслатади. Одамлари ширинсўз, ҳушмуомала, санъатга ошно ва биринчи учрашганингиздаёқ сизга эл бўлиб кетади. Утган асрнинг 60 йиллари охирида кишлоқда ташкил топган «Гулдаста» гуруҳи ансамблининг довуғи ўша вақтларда узоқ-узоқларгача етиб борган эди.


ҚИШЛОҚ РАҚС ГУРУҲИ УСТОЗИ

Во ажаб, вилоятимизда ҳам иккинчи «Баҳор» етилиб қолган экан-! Сени тарбиялаб воёга етказган устозинга балли-е! Элининг олқишларини тингларканман, бир гал сўхат чоғида норинлик журналист дўстим Йўлдошали Самиевнинг «Қишлоғим билан фахрланаман. Ундан ҳатто, раққослар гуруҳи ҳам етишиб чиқяпти. Энг муҳими, ана шу гуруҳнинг устози ҳам ўзимизники.

Йўлдошали яна бир қизиқ гап айтди. Ҳозирги «Гулдаста» гуруҳи қатнашчиларининг асосий қисми 70- ва 80-йилларда фаолият кўрсатган соhib рақс ансамбли иштирокчиларининг фарзандлари экан. Рақс дастасининг ташкил этилиши, оёққа туриши ва бугунги кунда довуғ қозониши тўла-тўқис уларнинг рақс устози Фаридани Хожиматованинг интилиши, ташкилотчилиги билан боғлиқ, дейди Йўлдошали Самиев.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири

ШАҲБА ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ



ВИЛОЯТ КУБОГИ «НОВОЙАЗОТ»ДА

Навоий шаҳрида мини-футбол бўйича вилоят кубоғи мусобақаси аяқланди. Турнирда иштирок этган 18 жамоа тўрт гуруҳда беллашди. Финалда «Навоийазот» ҳамда «Буқинай» жамоалари ўзаро куч синашди. Хал қилувчи беллашувда «Навоийазот» футболчилари рақиб жамоа устидан 5:4 ҳисобида зафар кучди.

(ЎЗА)

Саломатлик сабоқлари

«Йил фасллари ўзларига лозим бўлган хусусиятлари билан келишири керак... Агар бу бузилса, ёмон касалликларга сабаб бўлади»

Абу Али ибн Сино

ҚИШНИНГ ЁМОН КАСАЛЛИКЛАРИ

Икким, об-ҳавонинг инсон организмга таъсири азалдан маълум. Қадимий кун олими Гиппократ ўзининг эпидемик касалликлар тўғрисидаги асарларида ҳар бир касални таърифлашнинг метеорологик шароитини таъсирини билан боғлаб, Буюк ватандошим Абу Али ибн Сино ўз асарларида шундай эди: «Йил фасллариинг ўзгаришлари ҳар бир икклимда бирор-бир касалликни қўзғатади. Энг соғлом вақт кузнинг ёмири ва қишнинг ўта соғлом бўлмадан шу мамлакатга хос мўътадил даражада соғуқ бўлишидир.

Биласизми? БОТАНИКА БОҒИ унда ўсимлик оламининг 4500 дан ортиқ тур ва навлари мавжуд

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ботаника боғи мамлакатимиздаги энг йирик истиқослашган илмий тадқиқот муассасасидан бири саналади. Буюк Британияда эълон қилинган «Дунёдаги энг йирик ботаника боғлари» номли китобга унинг ҳам қирғилганлиги фикримиз исботидир. Ботаника боғи 1920 йили академик Фёдор Русанов ташаббуси ва саноат-харакати билан иш бошлаган. Ҳудудда асосий қирғилш ишлари ўтган асрнинг 50-йилларидан бошланган. Очiq ҳаводаги ўшбу ажойиб табиат музейида айни пайтда ер қуррасининг турли минтақаларидан келтирилган камёб дарахтлар, бута ва турфа хил гуллар ўстирилмоқда.

Марҳамат МАТВАФОВЕВА, биология фанлари номзоди

Баскетбол ВОДИЙ ЛИГАСИ

Баскетбол ўйнаётган болакайни кузатганимиз? Унинг оёқлари доимо ҳаракатда, қўл ва бармоқлар қоптоқни бошқаради, кўз эса мўлжални аниқ нишонга олиши керак. Баскетболдаги доимо юқори қўлаб қилинган ҳаракатлар боланинг бўйдор бўлишига хизмат қилади.

Бизда ҳали футбол, бокс каби миллионлар ўйнагани айланган баскетбол океан орти мамлакатларидан биринчи ракам-ли спорт турларидан бирига айланган. Баскетбол лигаларида профессионал спортчилар ўзини кўриш учун миллионлаб мухлислар спорт залларига ва телевизор экранларига олдида жам бўлишди. Гап Америкадаги миллий баскетбол лигаси ҳақида бораётганини пайқанга бўлсангиз керак. У ерларда миллионларнинг семимлиғи айланган дараз Абдул Карим, Майкл Жордан каби баскетбол юлдузлари машҳурлик ботида Майк Тайсон-у, Майкл Жексонлардан ҳечам қолишмайди.

Америка баскетбол лигаси ҳақида тўхташганимизнинг боиси, худди шун юрт вакиллари ҳамда «UNISEF» халқаро ташкилоти томонидан Фаргона водийсида баскетбол лигасининг тузилишидир. Лига тузишдан бош мақсад, ўсиб келаётган авлодларда баскетболга меҳр уйғотишдир. Аслида бу лига баҳслари ўтган йили ҳам ўтказилган эди. Бирок ўшанда иштирокчи жамоалар сони жуда оз бўлган.

Бу йилги мусобақалар мўхташам Андижон олимпия захиралари қўлида ташкиллаштирилди. Бахсларда Тожикистон, Қирғизистон ҳамда водий вилоятларидан 20 дан ортиқ жамоалар иштирок этди.

Ўсмирлар ўртасидаги баҳсларда мезбонлар жамоаси биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, фарғоналиклар иккинчи ўринни эгалладилар. Учинчи ўрин Қирғизистоннинг Майлисой шаҳридан келган жамоага насиб этди. Қизлар ўртасида кечган қизиқарли баҳсларда Андижон вилояти вакиллари қўлига қолди. Кейинги ўринлар Наманган ҳамда Фарғона вилояти вакилларига насиб этди.

Водий баскетбол лигасининг келгуси йилги мусобақалари фарғоналиклар мезбонлик қилади-ган бўлди. А. ЮНСОВ, «Ишонч» мухбири

СОВҒА

«Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси 60 ёшда» деб номланган йирик илмий тўплам босмадан чиқди. Янги нашр мамлакатимиз илм-фани ривожига ўзининг катта хиссасини қўшиб келаётган даргоҳга бағишланди.

Юбилей нашрда академия таркибиде фаолият кўрсатиб келаётган илмий-тадқиқот институтлари томонидан амалда оширилаётган йирик тадқиқотлар, уларнинг муҳим йўналишлари, юзга келган маълумотлар тўғрисида маълумотлар ёритилган. Бугунги кунда академияга қарашли бўлган илмий марказларда юз бераётган янгиликлар, эндиликда тарихий аҳамият касб этаётган турли фотосуратлар билан ҳам танишиш мумкин. Юбилей китобини Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Фан» нашриёти кўп нусхада чоп этди.

ОЛИМ ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

Тиббётнинг неврология йўналишини тадқиқ этишда мамлакатимиз шифокорлари бой тажриба тўплаган. Ана шу фан бўйича илмий излашларнинг ақсарияти атоқли олим профессор Наби Маждид фаолияти билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, йирик тадқиқотчи олим кўплаб врач-неврологларга устозлик қилди. У 6 та илмий иxtиро, тиббёт олий ўқув юр்தлари учун 4 та дарслик, 40 дан ортиқ қўланма, қатор йирик монографиялар яратди.

Дийдор ғанимат

ЧИРОЙНИГИЗ ОЧИҚ БЎЛСИН

«Тириклик» аталмиш улў неъмат сабаб ҳар тонг турли ишхона ва дархоналарда ҳаммаслаб дўстларимиз билан дийдорлашамиз. Шу онда нигоҳимиз ҳар кун қўравериб қадрдон бўлиб кетган иссиқ истарининг бир оз сўлғинлашиб, ранги синикиб қолганлигига тўғша, унинг эгасидан ҳол сўрашга шошиламиз. «Тинчликми?» Зеро, бу белгилар истара эгасининг тунда тўйиб ухламаганидан, қайғит ва ҳолати меърида эмаслигини далиллат беради. Ёки ақсична «қўзлари порлаб, юзлари ёниб турган қадрдонимизнинг шоғлигини пайкаб олиш ҳам биздан катта санъат талаб қилмайди. Чунки бундай пайтда унинг тили эмас, бутун вужуди сўзлаётган бўлади.

Чиройли нарсалар кўзи туши билан одамнинг кўнгли ёришиб, юзига табассум югуреди — гулни фақат ҳиди учун эмас, чиройи учун ҳам севадилар. Ёқимсиз, хунук нарсалар эса кичи кўнглини хира қилиб, юзининг бужмайишига, рангининг ўзгаришига сабаб бўлади. Зеро, «одамнинг сўзидан фақат унинг қандай кўриниш ниятиданигини билиш мумкин, аслида унинг қандайлигини сўзларни инфодалашдаги имо-ишораларидан, юз бужмайиришидан, бинобарин, унинг орғиниб қилган ҳаракатларидан ҳам билиш олиш мумкин», деганди Ф.Шиллер.

Шунинг учун ҳам юзма-юз мулоқот сўзловчидан ҳам кўра тингловчига кўпроқ наф келтиради. Бу борадаги тадқиқот натижаларига қараганда киши фикрини сим (телефон) орқали нари борса 55 фоизини ўзлаштирар экан. Бунинг асосий сабаби шундаки, ҳар бир инсоннинг ўз биологик майдони мавжуд бўлиб, шу майдон ичида фикрини ўқиш анча осон кечади.

Шу боисдан бўлса керак, одамлар ҳаммиса ўзлари ёқтирган, дидларига маъкул келадиган кишилар билан дийдорлашмишга, юзма-юз мулоқот қилишга интиладилар. Қасби кўриш ва бошқа кўпгина жиҳатларидан қатъи назар, одамлар эл назарига тушган шоир ва ёзувчилар, ҳофиз ва хонандаларнинг овозларини радио орқали эшитган, ҳатто сиймоларини ойнан жаҳон орқали бир неча марта кўрган бўлишлари-га қарамай, ўзларига «тирик шоир», «тирик ҳофизни кўриш истаганин ҳаммиса эш этиб яшашликлари фикримизнинг ҳаётий эканлигини тасдиқлайди. Чунки юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, дийдор жараёни-

да одамлар бу истеъдод эгалари билан ҳамнафас бўлиш (бир биологик майдон ичида бўлиш), ўзларини кўриш орқали улар ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш имкони-га эга бўладилар.

Ўзбеклар нутқида қўлланадиган «авзойи» («авзо») сўзи аслида арабча бўлиб, ташқи кўйфа, чечра, турк маъноларини ифода этади ва ўзбеклар «авзойи бузук», «авзойи-дан маълум» иборасини қўлланганларда худди шу маънолардан бирини назарда тутадилар. Зеро, одамнинг авзойидан унинг тилига чиқмаган қайғит ва ҳолатини жуда тез илғаб олиш мумкин. Шунинг учун ҳам до-ниманд ота-боболаримизнинг бу масалага диққат аэтибери ҳаммиса юқори бўлган. Жумладан, Мир Алишер Навоий бобомиз бу ҳақда шундай насиҳат қилди-дилар: «Очк чехрели одам иккиозламачиликдек нуқсондан йироқ бўлади... Очк юзидан ҳалойиққа хурсонд-лик; чучук сўзидан эл-юртга хурамлик...»

Ўзбеклар қадимдан истарали халқ сифатида ҳам эътибор топганлар. Айниқса, имон-этиқодли, виждони пок кишиларнинг юзидан нур ёғилиб турши ҳеч кимга сир эмас. Чунки бундай кишиларнинг қўнгли эътиқод нури билан сугорилган бўлади. Кўнгли покнинг юзи ҳам пок бўлишиги эса аллақачон айтиб қўйилган.

Сиддиқ МҶМИНОВ, филология фанлари доктори, профессор

ISHONCH Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайра Рашидова, Жория Алмиҳўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маънавият: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва саҳифаланди. Обсяет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма тафакт. Сотишда эркин нархда.